

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
СУДИ ТАРКИБИГА**

ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Шерали Раимович **Раҳманов** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.
2. Бокижон Бакоевич **Яҳёев** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари – ҳарбий ҳайъат раиси этиб сайлансин.
3. Хаёт Бахриддинович **Холмирзаев** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин.
4. Шаюнус Аюбджанович **Газиёв** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинсин.
5. Халилullo Собиржонович **Турахужаев** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
6. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

*Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
И.СОБИРОВ.*

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 июнь.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ РАИСИ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Аминджан Джаббарович **Ишметов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси вазифасидан озод қилинсин.
2. Дилмурад Ахмадуллаевич **Мирзакаримов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси этиб сайлансин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

*Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
И.СОБИРОВ.*

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 июнь.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА
ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Нурмат Рустамович **Ахманов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

*Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси
И.СОБИРОВ.*

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 июнь.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ЎН ТЎРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА**

АХБОРОТ

27–28 июнь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди, унда парламент юқори палатасининг аъзолари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга маъқуллаш учун юборилган бир туркум қонунларни, шунингдек, кун тартибига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Булар орасида мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан тайёрланган, коррупцияга қарши кураш юзасидан қатор қўшимча чора-тадбирларни, шу жумладан бу соҳада халқаро ҳамкорлик таъмин этилишини назарда тутувчи «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бор. Муҳокама асносида таъкидланганидек, мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжатга қўшилиши Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш йўлига қатъий тарафдор эканлигидан ёрқин далолат бўлиб, самарали тарзда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга, бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ялпи мажлисда «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди ва маъқулланди. Сенаторлар мамлакатимизнинг мазкур халқаро ҳужжатга қўшилиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, одамларнинг қонуний манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя этиш юзасидан юртимизда тизимли асосда изчил иш олиб борилаётганлигидан далолат беради, дея қайд этдилар. Бу муҳим халқаро ҳужжатга қўшилиш миллий қонун ҳужжатларини, ҳуқуқни қўлланиш амалиётини янада такомиллаштиришга ёрдам беради.

Кун тартибидеги масалаларнинг муҳокамаси мобайнида сенаторлар томонидан таъкидлаб ўтилдики, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилганлиги ва қабул қилинганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентини Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга оширишга йўналтирилган қонунчилик фаолиятининг натижаларидан бири бўлди. Ногиронлар ҳуқуқларини таъминлашнинг қўшимча кафолатларини ўзида мужассам этган, шунингдек, уларга бериш мўлжалланган қўшимча имтиёزلарни қонунчилик йўли билан янада мустаҳкамлайдиган мазкур Қонуннинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги ва муҳимлиги ҳам айtilди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан бир қаторда ногирон болалар ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамламоқда.

Мажлисда мамлакатимизнинг қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантиришга, ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган, шунингдек, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти стандартларининг талабларини миллий қонун ҳужжатларига сингдиришни назарда тутувчи қонунлар, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жиноий жавобгарликни кучайтиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига мувофиқ

2006 йилдан бошлаб ҳар йили бу масала Сенат муҳокамасига киритилмоқда.

Адлия вазирини ўз маърузасида таъкидлаб айтдики, давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳам марказда, ҳам жойларда қонунларнинг самарали ижро этилиши, давлат органлари, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятида қонунийлик таъминлаши юзасидан анчагина ишлар олиб борилмоқда.

Айни вақтда 2007 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан ўтказилган мониторинг қонун ҳужжатлари ижросини назорат этиш борасида вазирлик ва идораларнинг фаолиятидаги, шу жумладан солиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, божхона ва солиқ йўли билан тартибга солиш соҳасидаги жиддий камчиликлар, фойдаланилмаган резервларни аниқлаб берди.

Бир қанча қонунларнинг, шу жумладан энергетика, уй-жой-коммунал хўжалиги сингари тармоқлардаги қонун ҳужжатларининг ҳавола этувчи нормалари тегишли қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги сабабли тўла-тўқис рўёбга чиқарилмай қолди.

Ўтказилган мониторинг мобайнида айрим идоравий норматив ҳужжатлар уларни мажбурий йўсинда экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказишнинг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибини бузган тарзда қабул қилинганлиги ҳоллари аниқландики, улар ҳуқуқни қўлланиш амалиёти самарадорлигига номатлуб таъсир этди. Бир қанча маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини туркумлаштириш ва ҳисобга олиш, қонун ҳужжатлари талабларини ижрочиларнинг эътиборига вақтида етказиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган, бу эса минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим масалаларини ҳал этишга салбий таъсир қилди.

2-бетда

УШБУ СОНДА	1-4 бетлар	4-бет	5-бет	7-10 бетлар
	Қонунчиликдаги янгиликлар	Янги фонд тузилди	Боланинг насл-насабини белгилаш қоидалари	Қонунчиликдаги янги ҳужжатлар
	\$1 = 1311,96 сўм	€1 = 2053,35	£1 = 2594,14 сўм	¥10 = 122,44 сўм

INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ **ОБУНА-2008** **ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОВЛАР**

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир • Аргументы и Факты • Verёna • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

www.interpress.uz **119-0000** **155-0955** **155-0955** **155-0955**

Тел./факс: (99897) **119-0000** **155-0955** **155-0955**

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мустақил нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга оширишда ва жамиятни эркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашиш, уларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва объектив шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:**

1. Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (бундан буён матнда Фонд деб юритилади), шунингдек, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Фонд ва Парламент комиссияси «Жамоат фондлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотларини (ННТ) ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар тақсимланишини ташкил этиш, ННТни моддий, молиявий қўллаб-қувватлаш дастурларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш мақсадида тузилади;

Фонд маблағлари бевосита ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига уларнинг талабномалари асосида ва Парламент комиссиясининг қарорларига мувофиқ субсидиялар, грантлар, ижтимоий буюртма тарзида ажратилади;

ННТни, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш учун Фондга бюджет маблағларини ҳар йилги ажратиш Парламент комиссиясининг тақдимномаси бўйича, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва тасдиқлаш муддатларида амалга оширилади. Бунда ННТга ажратилган, ҳисобот йили охиридаги фойдаланилмай қолган маблағлар бюджет даромадига қай-

тарилмайди, балки улардан белгиланган мақсадига мувофиқ келаси йили фойдаланилади;

Парламент комиссиясининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Молия вазирликларининг тегишли тузилмалари, республика ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари орасидан раис, унинг ўринбосари, масъул котиб ва комиссия аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади.

3. Қуйидагилар Фонднинг асосий вазифалари деб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан олинадиган маблағларни жамлаш, улардан мустақил ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга, долзарб ижтимоий, иқтисодий, гуманитар муаммоларни ҳал этишда уларнинг фаол иштирок этишига қаратилган дастурларни амалга ошириш учун фойдаланилишини ташкил этиш;

ННТнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларга ҳуқуқий, маслаҳат тарзида, ташкилий, техник ва бошқа хил ёрдам кўрсатиш, уларнинг ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг мамлакатни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилиш жараёнларида иштирок этиши масалалари бўйича чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларини кенгайтириш (биргаликда конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари, тренинглар ўтказиш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва ҳоказо) билан боғлиқ дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиш.

Белгилаб қўйилсинки, Фонд ўз фаолиятини ошқоралик ва очиқ-ойдинлик принциплари асосида амалга оширади, нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ажратилган маблағлар белгиланган мақсадда фойдаланилишини таъминлайди. Фонд ўз фаолияти, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ажратилган маблағларнинг тақсимланиши ва ишлатилиши тўғри-

сидаги ҳисоботни ҳар йили оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, Фонд маблағларини шакллантириш манбалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг (Ўзбекистон Республикаси резидентларининг ҳамда норезидентларининг) ихтиёрийлик асосидаги ҳомийлик бадаллари, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ва беғараз бериладиган маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлардир.

Жамоат Фондининг мол-мулкни асосий фондлар ва айланма маблағлар, шунингдек, қиймати Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Фонд балансида акс эттириладиган бошқа мол-мулк ташкил этади.

5. Қуйидагилар Парламент комиссиясининг асосий вазифалари деб белгилансин: нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун Фонд маблағлари самарали тарзда тақсимланишини ташкил этиш, ННТ, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг таклифларини чуқур ўрганиш асосида минтақаларнинг муайян ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишга, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга қаратилган истиқболли, ижтимоий ва умум аҳамиятга молик дастурлар ҳамда лойиҳаларни молиялаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;

Фонд маблағларини тақсимлашда очиқ-ошқораликни таъминлаш, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уларнинг ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларда, демократик қадриятларнинг, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлашда фаол иштирок этиши масалаларини муҳокама қилишга кенг жамоатчиликни жалб этиш;

Фонд маблағлари белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланилиши, унинг томонидан молиялаштирилган лойиҳалар ҳамда дастурлар, шу жумладан, ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг молиявий мустақиллиги ҳамда барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳалар ва дастурлар устидан назоратни (мониторинг-

гни) амалга ошириш;

энг муҳим устувор дастурлар ва лойиҳаларни, ижтимоий ва умум аҳамиятга молик бошқа дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда ННТнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигини чуқурлаштиришга, ижтимоий ҳаётни демократлаштиришда ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини кучайтириш жараёнларига кўмаклашиш;

ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг эркин ҳамда мустақил ривожланишини таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларни тақомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Парламент комиссияси Фонднинг Васийлик кенгаши вазифасини бажаради деб белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тўғрисидаги низом, шунингдек, Парламент комиссияси тўғрисидаги низом ва комиссия таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини тақсимлаш тартиби Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан тасдиқланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қарорга мувофиқлаштирсин;

Фонд зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинишини таъминласин.

8. Ушбу Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари А.Шодмонов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Мухитдинова зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.ТОШМУХАМЕДОВА.

Тошкент шаҳри, 2008 йил 3 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ “НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида”ГИ Қўшма ҚАРОРИГА

ШАРҲ

Фаол демократик янгилашлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини шакллантириш ҳамда эркин ривожлантиришнинг тақийлий-ҳуқуқий шартларини, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини яратиш, уларнинг демократик ўзгаришлар ва жамиятни эркинлаштиришдаги фаол иштирокини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият қурилишининг муҳим муаммоларини ҳал этишга кенг жалб қилиш, одамлар тафаккурида демократик қадриятларни мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти мавжуд бўлиб, улар жамият ҳаётининг турли соҳаларида – иқтисодий, маданий, гуманитар, ижтимоий жабҳаларда фаолият кўрсатиб, аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ифодаламоқда. Мамлакатда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” ва “Нуроний” жамғармалари фаолият кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда нодавлат нотижорат ташкилотларининг саъй-ҳаракати билан Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа ўнлаб институтлари тузилиб, улар жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин ривожланишини таъминловчи илғор қонунчилик базаси, норматив-ҳуқуқий асос барпо этилди. “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Ҳомийлик тўғрисида”ги, “Жамоат

бирлашмалари тўғрисида”ги, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди ёки янги таҳрирда эълон қилинди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, мамлакат ҳукуматининг қарорлари қабул қилинди.

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди. Қонун нодавлат нотижорат ташкилотларининг кўп қиррали фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий-техник чора-тадбирларнинг яхлит тизимини белгилаб берди.

Сиёсий янгилаш ва жамиятни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш уларнинг амалдаги мустақиллигини таъминлашнинг муҳим шартидир. Фақат эркин, мустақил ва тобеликдан холи, етарли даражада молиявий ресурсларга эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажара олиши мумкин.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашларининг “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори нодавлат нотижорат ташкилотлари

ва фуқаролик жамияти институтларини изчил ва мустақил ривожлантиришни таъминлаш, мамлакатни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир.

Қўшма қарорга мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил, энг демократик принципларга асосланган тизими ташкил этилмоқда.

Қўшма қарор асосий қоидаларининг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

Биринчидан. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини белгилаш, ушбу маблағларни тақсимлаш, улардан фойдаланиш мониторинги билан боғлиқ масалалар ижро этувчи ҳокимият органларининг, шу жумладан, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси тасарруфидан чиқарилиб, мамлакат қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасарруфига берилмоқда.

Кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тузилмоқда. Мазкур Фонд маблағларини халқ вакиллари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзоларидан, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идораларнинг экспертларидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат махсус тузилаётган Парламент комиссияси бошқаради.

Иккинчидан. Жамоат фонди ва Парламент комиссияси иши Қўшма қарорга мувофиқ энг юксак демократик талаблар ҳисобга олинган ҳолда, ошқоралик, очиқ-ойдинлик,

хотислик принциплари асосида ташкил этилиши керак.

Фонд маблағлари нодавлат нотижорат ташкилотлари берган талабномалар ва Парламент комиссияси қарорлари асосида оралиқ бўғинлар ва тузилмаларнинг иштирокисиз бевосита нодавлат нотижорат ташкилотларига ажратилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган маблағлар ҳажмини белгилаш Парламент комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва тасдиқлаш жараёнида ва муддатларида Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Мазкур маблағлардан фойдаланилиши тўғрисидаги ҳисоботлар ҳам худди юқоридаги тартибда муҳокама қилинади.

Фонд ҳар йили ўз фаолияти тўғрисидаги тўлиқ ҳисоботни, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ажратилган маблағларнинг қай тарзда тақсимлангани ва рўёбга чиқарилгани ҳақидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Учинчидан. Қўшма қарорда Фонд маблағлари қандай мақсадлар учун ажратилиши мумкинлиги аниқ белгиланган; нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тақлиф этилган ва муайян ҳудудларнинг аниқ ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал этишга, фуқаролар ижтимоий фаоллигини янада оширишга, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштиришга ажратилади. Қўллаб-қувватлаш шартлари ва соҳаларининг

бундай аниқ белгиланганлиги Фонд маблағларини адолатли, хотис тақсимлашнинг муҳим кафолатидир.

Тўртинчидан. Қўшма қарор нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг кўламли халқаро алоқаларини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни назарда тутати. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтиришда, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини, уларнинг жамиятни демократлаштириш жараёнида фаол иштирок этишини ривожлантириш масалаларига бағишланган турли халқаро семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа лойиҳаларни ўтказишда ёрдам кўрсатиш Фонд ва Парламент комиссиясининг вазифаларидан биридир.

Давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда ихтиёрий ҳомийлик маблағлари, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг грантлари ҳам Фонд маблағларини шакллантириш манбалари сифатида белгиланган.

Бешинчидан. Қўшма қарорда нодавлат нотижорат ташкилотлари олган маблағларидан белгиланган мақсадда ва айна вақтда эркин фойдаланишининг бир қатор кафолатлари назарда тутилган. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларига ажратилган ва ҳисобот йили охирида фойдаланилмай қолган маблағлар бюджет даромадига қайтарилмайди, балки улардан келгуси йилда белгиланган мақсадда фойдаланилади. Ушбу қоида бюджет маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилловчи умумий қоидадан истиснодир. Бундай истисно нодавлат нотижорат ташкилотлари учун махсус киритилган.

Олтинчидан. Фонднинг маблағларидан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланиш устидан назоратни (мониторингни) амалга ошириш Парламент комиссияси зиммасига юкланган. Бундай қоида – ана шу масалаларнинг ҳал этилишига бошқа тузилмаларнинг ўзбошимчалик билан, асосиз аралашувиға йўл қўймасликнинг муҳим кафолатидир. Ушбу қоида амалга ошириш нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг молиявий жиҳатдан тобе бўлмаслигини, мустақиллигини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Еттинчидан. Қўшма қарор унда баён этилган қоидаларни амалга ошириш механизмини белгилаб берган.

Жамоат фонди тўғрисидаги ва Парламент комиссияси ҳақидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Қўшма қарори билан тасдиқланади. Парламент комиссияси эса ўз қарори билан Жамоат фонди маблағларини тақсимлаш тартибини тасдиқлайди. Бунда Вазирлар Маҳкамасига Ҳукуматнинг қарорларини ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Қарор қоидаларига мувофиқлаштириш тақлиф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қўшма қарори Ўзбекистонда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, тараққиётимизнинг муҳим мақсадини - "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" гоёсини рўёбга чиқариш бўйича кенг кўламли, тизимли, изчил ишларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлади.

ЯНГИ ФОНД ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА КЎМАКДОШ

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган очиқ фуқаролик жамиятини куриш жараёнида мустақил, барқарор, аҳолининг кенг қатлами қўллаб-қувватлайдиган ва халқ ичида чуқур томир ёйган фуқаролик жамиятининг хилма-хил институтларини барпо этиш ҳамда ривожлантириш гоётда муҳим вазифадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йилда қабул қилинган "Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтиришда, ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишда, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал ва ишбилармонлик фаоллигини оширишда катта омил бўлди.

Қарорда таъкидланганидек, демократик қадриятларни кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг энг муҳим йўналишига айланиши керак. Нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тузилмаси жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаши ва қўллаб-қувватлаши, сиёсий ва ижтимоий соҳада давлат тузилмаларига муқобил бўлиб хизмат қилиши керак. Шаклланиб ва жамиятда обрў-эътиборини мустаҳкамлаб бориб, фуқаролик институтлари борган сари кўпроқ равишда давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоат назоратининг энг муҳим дастагига айланиб бориши лозим.

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиши керак бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамияти институтларининг энг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқда.

Мамлакатда демократик янгилаш ва уни модернизация қилиш борасида ўтказилаётган ислохотлар давомида фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий, моддий шарт-шароитларини барпо этишга йўналтирилган бир

қатор чоралар кўрилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва фондлари, касабга уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Оммавий ахборот воситалари, журналистнинг профессионал фаолиятини ҳимоя қилиш, ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонунларнинг, қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистонда, хусусан, кучли фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирларни назарда тутадиган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш мақсадлари ҳамда вазифаларини амалга ошириш дастури амалга оширилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккала палатаси Кенгашларининг Қўшма мажлиси ўтказилганлиги ушбу йиғилишда олға қўйилган яна бир қадам бўлди. Унда нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш билан боғлиқ масала кўрилди ва тегишли қарор қабул қилинди, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилди.

Қўшма қарор асосида ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаш манбаларини шакллантиришнинг мустақил, фақат демократик тамойилларга асосланган тизими барпо этилади.

Агар илгари ННТ фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган Давлат бюджети маблағларининг ҳажмларини белгилаш, ушбу маблағларни тақсимлаш,

улар фаолиятининг мониторинги ижроия ҳокимияти органлари, шу жумладан Молия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ихтиёрида бўлган бўлса, энди ушбу масалалар мамлакатнинг юқори қонунчилик органи - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ихтиёрига берилди. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тузилапти, кўрсатилган вазифаларни айнан шу фонд амалга ошириши керак. Махсус тузилаётган Парламент комиссияси ушбу Фонднинг маблағларини бошқаради, у Қонунчилик палатаси депутатлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, шунингдек, тегишли вазирликлар ва идоралар экспертлари, ННТ, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан иборат бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Фонд маблағлари бевосита ННТга уларнинг аризалари ва Парламент комиссиясининг қарорлари асосида ажратилади, бунда бирор бир оралиқ бўғинлар ва тузилмалар иштирок этмайди. Фонд маблағларини шакллантириш манбалари этиб, Давлат бюджети маблағлари билан бир қаторда ихтиёрий ҳомийлик маблағлари, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва молия институтлари грантлари белгиланган.

Бундан ташқари, Олий Мажлиси Парламент комиссиясининг тақдими бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тайёрлаш, кўриб чиқиш, муҳокама қилиш давомида ва тасдиқлаш муддатларида ННТни қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган маблағлар ҳажмларини белгилаш вазифалари юкланган. Ушбу маблағлардан фойдаланиш ҳисоботларини муҳокама қилиш ҳам худди шу тартибда амалга оширилади. Бунда ННТга ажратилиб, ҳисо-

Акс-саго

бот йили охирида фойдаланилмай қолган маблағлар бюджет даромадига қайтарилмайди, балки навбатдаги йилда мақсадли равишда фойдаланилади. Бу қоида ҳам бюджет маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайдиган умумий қоидалардан фарқлидир.

Шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Кенгашлари Қўшма қарорининг қоидаларини амалга ошириш мамлакатда демократик ўзгаришларни рўёбга чиқариш ва жамиятни эркинлаштиришни янада ривожлантиришда ҳамда уларда мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок қилишида яна бир муҳим омил бўлади.

Р. СОБИРЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Бюджет ва
иқтисодий ислохотлар
қўмитасининг раис
ўринбосари.



ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ
ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ҲАКАМЛИК СУДИ

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

№ 747-03

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- **Хўжалик низосини тез ҳал этиш** (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиш)
- **Иш кўришнинг тежамлилиги** (низони ҳал этишга алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- **Судьяларнинг малакаси** (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- **Мобиллик** (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тугаллиги** (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо моҳиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши**, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Бухоро кўч., 6. Телефон (+998-71) 2394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

«NORMA» наشريёти

тадбиркорлар, бухгалтерлар, аудиторлар, юристлар ва барча хоҳловчиларга Ўзбекистон Республикасининг ҳамма минтақаларига етказиб бериш билан китобларни харид қилишни таклиф этади!

Харид қилиш учун бизнинг оммавий офертамиз – ушбу сонда чоп этилаётган таклифдан фойдаланинг.

ОММАВИЙ ОФЕРТА

- вакили белгиланган шаклда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома топиради ва ўз паспортини тақдим этади.
9. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Фуқаролик кодексига, 1998 йил 29 августдаги 670-сон «Ўзбекистон Республикасининг субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг қоидаларига мувофиқ жавобгар бўлади.
10. Харидор Акцептда манзилни нотўғри кўрсатган тақдирда Ношир Харидор олдида Шартнома шартларини бажариш учун жавобгар бўлмайди.
11. Харидор мазкур Шартноманинг 5-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш шартларига риоя қилмаган тақдирда Ношир Харидор билан келишмасдан нашр қийматини ўзгартира олади.
12. Шартномани тузишдан кейин Тарафлар олдиндан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини олишга қодир бўлмаган, фақуллодда тўсдаги воқеалар натижасида вужудга келган энгиз бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари бошланиши оқибатида Тарафлар Шартнома шартларини бажармаси ёки лозим даражада бажаролмай қолса, улар жавобгар бўлмайди.
13. Форс-мажор ҳолатлари бошланганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) кун мобайнида хабардор қилишлари керак.
14. Шартнома шартларини бажариш чоғида вужудга келиши мумкин бўлган барча низолар ва ихтилофларни Тарафлар музокаралар ва келишув таомиллари йўли билан ҳал қиладилар. Келишувга эришилмаганда низо ҳужжатлик ёки ҳакамлик судининг кўришига (Тарафларнинг розилиги билан) топширилиши керак.
15. Мазкур оммавий офертада таъкидланмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.
- 16. Ноширнинг рекевизитлари:**
«NORMA» МЧЖ
 100011, Тошкент, Абай кўчаси, 4;
 Тошкент ш. ЎзҚДБ банкдаги
 ҳисоб-китоб рақами
 20208000304424322001,
 МФО 00842, СТИР 2056697778,
 ХХТУТ 87100
 Тел. (371) 244-89-17;
 Факс: 244-44-29, 244-18-99.
- Баҳодир ҚАЮМОВ,**
«NORMA» МЧЖ директори.
1. «NORMA» МЧЖ, бундан кейин **Ношир** деб номланади, мазкур таклиф билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган (яшайдиган) ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадиган, бундан кейин **Харидор** деб номланадиган субъект билан босма маҳсулотни етказиб бериш шартини олди-сотди шартномасини (бундан кейин – **Шартнома**) тузишга тайёрлигини билдиради, мазкур субъект ушбу оммавий оферта чоп этилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қуйида таклиф қилинаётган шартларни тўлиқ (танланган босма маҳсулотни ҳисобга олган ҳолда) ва сўзсиз қабул қилганлигини баён этади. Ношир ва Харидор биргаликда Тарафлар деб номланадилар.
2. Харидор мазкур Шартнома шартлари қабул қилинган тақдирда Ноширни ушбу оммавий оферта шартлари бўйича харид қилишга розилигини унинг ажралмас қисми ҳисобланган мазкур Шартномага иловага кўра шакл бўйича тўлдирилган буюртма-нома-акцепт (бундан кейин – Акцепт) юбориш йўли билан хабардор қилади.
- Акцептнинг барча устунлари тўлиқ, қисқартирилмас, тушунарли, босма харфлар билан тўлдирилиши керак. Акцепт **244-44-29, 244-18-99, 244-44-45** факслари орқали ёки почта билан **100011, Тошкент ш., Навоий кўч., 22, «NORMA» МЧЖ** манзилига юборилади.
3. Шартнома Ношир томонидан Акцепт олинган пайтдан бошлаб тузилган деб тан олинади ва кучга кирди ҳамда Тарафлар томонидан унинг шартлари бажарилган пайтгача амал қилади.
4. Шартноманинг умумий суммаси Харидор томонидан Акцептда танланган нашрлар қиймати билан белгиланади.
5. Харидор нашрлар қийматини Ноширга Акцепт юборилган пайтдан бошлаб 3 (уч) кун кунни мобайнида 100% олдиндан тўлаши шарт.
6. Ношир унинг ҳисоб-китоб рақамига пул маблағлари келиб тушганидан кейин ва Акцепт мавжуд бўлганида Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.
7. Ношир тегишли ҳудудий почта бўлимлари орқали (ёки бошқа усул билан) ўз маблағлари ҳисобига Харидор томонидан танланган нашрларни Акцептда кўрсатилган манзил бўйича Харидорга етказиб беришни ташкил қилади.
8. Етказиб бериш муддати – Ноширнинг ҳисоб-китоб рақамига пул маблағлари келиб тушган пайтдан бошлаб 20 (йигирма) иш кунни.
- Харидорнинг хоҳишига кўра нашр бевосита Ноширнинг офисига олинган тақдирда Харидорнинг

ФАРЗАНД "ОТАСИЗ" ТУФИЛСА...

ЁКИ БОЛАНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ ҲАҚИДА

Бола ҳақида ғамхўрлик қилиш, унга таълим-тарбия бериш ота-она учун фақатгина ахлоқий қоида бўлиб қолмасдан, қонун билан белгиланган мажбурият ҳамдир. Ота-она ўзаро никоҳда эканлиги ёки никоҳда эмаслигидан, биргаликда ёки алоҳида яшаётганлигидан қатъи назар, ота-она билан бола ўртасида ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади.

Бола дунёга келиши билан унинг туғилиши ваколатли давлат органи – Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органида қайд этилади ва боланинг туғилиши ҳақида гувоҳнома берилади. Гувоҳномада болага берилган фамилия, исми, ота исми, унинг қачон ва қаерда туғилганлиги ҳамда ота-онаси ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома боланинг шу ота-онанинг фарзанди, насл-насаби шу шахслардан эканлигини исботловчи шаксиз далил ҳисобланади. Шу билан бирга туғилишнинг ФХДЁ органларида қайд этилиши ота-онада болани тарбиялаш, унинг соғлиғи, жисмоний, руҳий-маънавий ва ахлоқий камолати ҳақида ғамхўрлик қилиш мажбурияти вужудга келганлигини тасдиқлайди.

Боланинг она тарафдан насл-насаби, яъни оналик ФХДЁ органи томонидан боланинг тиббий муассасада туғилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, бола тиббий муассасадан ташқарида туғилган бўлса, гувоҳларнинг кўрсатмалари ёки бошқа далилларга асосан белгиланади (Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига, 60-модда).

Агар бола ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган бўлса, шунингдек никоҳдан ажратилганлиги ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги ёки эрининг ўлими оқибатида никоҳ тугагандан кейин уч юз кун ичида туғилган бўлса, бу бола никоҳда туғилган ҳисобланади ва онаси билан никоҳда бўлган шахс боланинг отаси сифатида ёзилади. Боланинг туғилиши ҳақидаги далолатнома ёзуви ва шу асосда бериладиган гувоҳномада ота ҳақидаги маълумотлар никоҳ гувоҳномаси асосида ёзилади.

Лекин ҳаётда боланинг ота-онаси ҳар доим ҳам қонуний никоҳда бўлавермайди. Баъзилар шаръий никоҳ тузиб, муносабатларини қонуний расмийлаштириш кераклигига аҳамият бермайдилар, баъзилар



Ота боланинг онаси билан никоҳдан ўтмаган ва никоҳсиз туғилган болага нисбатан оталигини ўз ихтиёри билан тан олган тақдирда, боланинг туғилишини қайд этиш ФХДЁ органларида ёлғиз (никоҳда бўлмаган) онанинг аризаси асосида амалга оширилади. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви ва гувоҳномада отанинг фамилияси ёзилиши лозим бўлган қаторга онанинг фамилияси бўйича ёзиб қўйилади, исми, ота исми, туғилган вақти, миллати онанинг аризасидаги кўрсатмалар асосида ёзилади. Бундан мақсад туғилганлик ҳақидаги гувоҳномада ота ҳақидаги маълумотлар қаторини бўш қолдирмасликдир. (1968 йил 1 октябрга қадар ота-онаси никоҳда бўлмаган ва оталик белгиланмаган болаларнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасида ота ҳақидаги маълумотлар устунига чизиқча қилиб қўйилган, бу эса болага маънавий жиҳатдан оғир таъсир қилган).


“эркин никоҳ” муносабатида бўлиши хоҳлайдилар, баъзилар яна бошқа сабабларга кўра қонуний никоҳ тузмайдилар. Бундай ҳолларда ўртада бола туғилса, унинг туғилиши қандай қайд этилади, никоҳ гувоҳномаси бўлмаса, ота ҳақидаги маълумотлар нима асосда ёзилади, деган савол туғилади. Боланинг ота-онаси қонуний никоҳда бўлмасалар, боланинг ота тарафдан насабини аниқлаш, яъни оталикни белгилаш

зарурати пайдо бўлади. Ота боланинг онаси билан никоҳдан ўтмаган, бироқ никоҳсиз туғилган болага нисбатан оталигини тан олган тақдирда, ота-онанинг ФХДЁ органига биргаликда берган аризасига асосан оталик белгиланади. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилганлигини қайд этиш вақтида, туғилганлик қайд этилгандан кейин ҳам истаган вақтда берилиши мумкин. Агар оталикни белгилаш тўғрисида бола туғилгандан сўнг ота-она биргаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолишини кўрсатувчи асослар бўлса, туғилажак боланинг ота-онаси ФХДЁ органига оталикни белгилаш ҳақидаги аризани она ҳомиладорлик вақтида беришга ҳақлидирлар. Боланинг туғилиши ҳақидаги далолатнома ёзувида ота ҳақидаги маълумотлар мана шу ариза асосида ёзилади. Тўртта ҳолатда оталик фақат отанинг ФХДЁ органига оталикни белгилаш тўғрисида вассийлик ва ҳомийлик органининг розили-

ги билан берган аризаси асосида амалга оширилиши мумкин, булар онанинг ўлими, онанинг ақли заифлиги ёки руҳий касаллиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилши, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти йўқлиги, онанинг оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши.

Ёлғиз онадан туғилган боланинг ҳуқуқий ҳолати никоҳда туғилган боланинг ҳуқуқий ҳолатидан бирмунча фарқ қилади. Бундай

Ҳуқуқий маслаҳат



болалар фақат онанинг қариндошлари қаторига қиради, ота ва унинг қариндошларига нисбатан эса ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлмайди. **Ота тарафдан насаби аниқланмаган бола отанинг фамилияси бўйича фамилия олиш, отадан моддий таъминот (алимент) олиш, отанинг мол-мулкига нисбатан меросхўр бўлиш каби ҳуқуқларга эга бўлмайди. Бундай ҳолларда боланинг ота тарафдан насабини аниқлаш мақсадида оталик суд тартибиде белгиланади. Оталикни суд тартибиде белгилаш онанинг ёки боланинг вассийси (ҳомийси) ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек бола вояга етгандан кейин унинг ўзи берган аризаси асосида амалга оширилади.**

Қонунда назарда тутилган тартибда оталик белгилангандан сўнг ота-онаси никоҳда бўлмаган боланинг ўз ота-онасига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар билан тенг бўлади. Энди улар нафақат онанинг, балки отанинг ҳам қариндошлари сирасига қиради ва никоҳда туғилган боланинг ўз отасига нисбатан қандай ҳуқуқлари бўлса, никоҳсиз туғилган бола ҳам худди шундай ҳуқуқларга эга бўлади. Оталикни белгилаш йўли билан ота-онаси никоҳда бўлмаган болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш қонунчилик сиёсатининг энг тўғри ва демократик йўналиши ҳисобланади.

Лаълихон ҲОЖИХОНОВА,
 Тошкент юридик коллежи
 ўқитувчиси.

БЮРОГМАНОМА-АКЦЕПТ

«НОРМА» МЧЖ Оммавий офертасига
илова

2008 й.

1. _____
(Хужжат (таълим ҳужжати, устас, насаб ва б.) ишончнома)

(Харидор ваколатли вақили Ф.И.Ш (Тўлиқ, унинг лавозими))

ТИМСОЛИДА

(Таълим ҳужжатлари ёки давлат рўйхатига оиднинг тасдиқловига кўра, ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлган ҳолда Харидорнинг Тўлиқ номи)

«Норма маслаҳатчи» газетасининг 2008 йил 11 июлдаги 27 (156)-сонда чоп этилган оммавий оферта шартларини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилганлигини изҳор этади ва Ношир чиқарган кўйидаги наشرларни етказиб бериш шартли билан харид қилади:

№/р	Нашир номи	1 нускаси нархи (сўм)	Нускалар сонини (донини)	Умумий сўмма (сўм)
1	«Лизинг» тан олиш, баҳолаш ва уни ҳисобга олиш	5000		
2	Комментарий к Положению о порядке исчисления и уплаты единого налогового платежа.	5000		
3	Бухгалтерия ҳисобига доир низоомлар	5000		
4	Солиқлар ва йўллар бўйича ҳужжатлар тўплами, (2-та жилд)	10000		
5	Справочник по внутреннему и внешнему аудиту хозяйствующих субъектов на территории Республики Узбекистан	10000		
6	Годовой отчет – 2007	10000		
7	Янги ҳисобоварлар режиси бўйича 3000 та бухгалтерия ўтказмалари (2-та жилд)	10000		
8	Самолучитель по бухгалтерскому учету	7000		
9	Текстиришлар... «А дан Я гача»	4000		
10	Собрание законодательства РУз 2007 г. №52, II (рус.) (Налоговый кодекс Республики Узбекистан)	4950		
11	Новое в налоговом законодательстве (2008 год)	6900		
12	Соплиққа оид қонун ҳужжатлари 2008 й.	6950		
Жами (ҚҚСиз)				

2. Тўланиши керак бўлган умумий сўмма _____

(Сўмлар ва баъзида рубласини)

сўмни ташкил қилади.

3. Етказиб бериш учун манзил (босма харфларда, тушунарли қилиб): _____

Почта индекси				
---------------	--	--	--	--

(Илоҳот, шаҳар, туман)

(Кўча, даҳа, мавзе, уй, хонадон, хона)

Алоқа боғлаш телефони (минтақа коди билан): _____

Харидорнинг реқвизитлари:

СТИР _____
 ХХТУТ _____
 Юридик манзил _____
 Телефон _____
 Факс _____
 Ҳисоб/китоб рақами _____
 Ҳизмат кўрсатувчи банк _____
 Банк коди _____

(Фамилия тўлиқлиги, исми ва отасининг исми бош харфлари,

ваколатли мансабдор шахсининг исми)

М.У.

СИНЧКОВЛИК - ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

Фуқаролар ўртасидаги ўзаро олди-сотди жараёнлари, у кўчар ёки кўчмас мулк бўлишидан қатъи назар, шартномавий-ҳуқуқий муносабат орқали тартибга солинади. Шу боис, бугунга келиб шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳақидаги тушунча барча фуқароларнинг онги ва тафаккурдан чуқур жой олиб бормоқда.

Аммо, тажрибадан шу нарса аёнки, баъзи ҳолларда икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келтирувчи бундай шартномалар шошма-шошарлик билан тузилиб, келажакда унинг жиддий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқариши унутиб қўйилади. Натижада шартнома интизоми бузилганлиги, қонунга зид ҳаракатлар хусусида



судларга даъво аризалари билан мурожаат қилинади. Айрим низоли хатти-ҳаракатлар қасддан, айримлари билиб-билмай, яна бир қисми эса пала-партишлик, юзакилик, бюрократик кайфият оқибатида келиб чиқади.

Фикримизни мисоллар билан ойдинлаштиришга уриниб кўрайлик. Бизнинг идорамизга аксарият одамлар ўз ташвиш-муаммолари билан келишади. Кимдир ҳақ, кимдир ноҳақ бўлса-да, барибир ҳамма ўз фикрини ўтказишга, ўзининг ҳақлигини исботлашга уринади. Яқинда қабулимга бир киши келиб: «Отамнинг уйда рўйхатда эдим. Отам ҳаётлигидаёқ уйни опамнинг номига расмийлаштириб берган. Билишимча, менинг розилигимсиз ҳовли сотиб юборилган экан. Бироқ, опам менга ҳовли пулидан улуш бермаяпти. Ахир, қонун бўйича олди-сотди шартномасини тузишда менинг ҳам розилигим олиниши керак-ку! Уша шартнома бекор қилинишини сўрайман», - дея арз қилди.

Фуқаро билан суҳбат жараёнида воқеа тафсилотларидан шу нарса аён бўлдики, ҳовлидан ҳақ даъво қилаётган ўғил жуда кўп йиллар муқаддам хорижга ишлаш учун кетганича, дараги бўлмаган. Ҳовлининг сотилганига эса икки йилдан ортиқроқ вақт бўлган.

Тўғри, қонунда кўрсатилганидек, рўйхатда турган киши олди-сотди шартномасига имзо чекиши керак ва бу меросда унинг ҳақи бор. Бироқ, Фуқаролик кодексининг 1147-моддасига кўра, меросхўр ўзининг ворисликка қақирилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли, узрли сабабларга кўра бу муддат суд томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Меросдан воз кечиш ҳақидаги ариза кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас. Белгиланган муддат ўтгандан кейин меросхўр меросдан воз кечиш ҳуқуқини йўқотади. Агар меросхўр мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган, уни тасарруф этган ёки ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган бўлса, меросдан воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган муддат ўтмасиданоқ йўқотади.

Хуллас, даъво билан келган ўша кишига у арз қилаётган

масала қонунда қандай белгиланганлигини тушунтирганимдан сўнг, узр сўраб чиқиб кетди.

Яна амалиёт жараёнида жуда кўп бора дуч келинадиган ҳаётини бир мисол. Маълумки, уй-жой олди-сотди шартномасини расмийлаштириш жараёнида сотилаётган уйнинг коммунал тўловлардан қарзи бор-йўқлиги ҳақидаги тегишли идора томонидан тасдиқланган ҳужжат муҳим роль ўйнайди. Баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўлади-ки, кўчмас мулк эгаси, унинг

гарчи коммунал тўловлардан қарзи бўлса ҳам, мутасадди идораларнинг айрим нопок шахслари билан тил бириктириб, ўз қарзларидан соқит бўлиш мақсадида ҳужжатларни сохталаштирадилар. Амалда эса қарз сўндирилмай туриб, бу мажбурият сунъий тарзда мулкнинг янги эгасига ўтказиб юборилади...

Агарда Сиз олди-сотди шартномасини амалга ошироқчи бўлсангиз, уй-жой

ўрнига ташвиш сотиб олмайин десангиз, бу ишга ўта синчқовлик билан ёндашишингиз зарур. Зеро, мулк-бисот харид қилишдан олдин бу савдонинг низоли, можароли, бахсли жиҳатлари бор-йўқлигини эринмай ўрганиб чиқиш фойдадан холи бўлмайди.

Мавлуда МАНСУРОВА,
Тошкент шаҳар 7-сон давлат нотариал идораси нотариуси.

ЯНГИЛАНУВЧИ ҚўЛЛАНМАЛАР

Қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилдими? Янги Солиқ кодекси чиқдими?? Буларнинг ҳаммасини қандай ҳисобга олиш мумкин???



ИСТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ НАШРИЁТ

ҚўЛ ОСТИНГИЗДА ҚўЛЛАНМАЛАРИМИЗ БўЛСА, БУ МУАММО ЭМАС



**“АМАЛИЙ
БУХГАЛТЕРИЯ”**

1 жилд – 800 саҳифа –
500 дан ортиқ
вазият ва мисоллар



**“АМАЛИЙ
СОЛИҚ СОЛИШ”**

2 жилд 800 саҳифадан –
1 000 дан ортиқ
мисоллар ва амалий
маслаҳатлар

12 ой
давомида
6 та янгилаш

- Тушунтиришлар
- Шарҳлар
- Тавсиялар

Кўшимча ахборот
учун телефонлар:
244-89-17, 244-44-29,
244-18-99

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**
 - Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРЛАРИ**
 - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги «2007–2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги ПҚ-672-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида
 - Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида
 - Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида
- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**
 - Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» 2008 йил 24 мартдаги ПҚ-843-сон қарори)
- **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 10 МАЙДАН 23 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БАЪЗИ ФАРМОНЛАРИНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 25-26-сон, 229-модда)

Тугатилаётган Тошкент давлат авиация институти негизида Тошкент давлат техника университетининг Авиация факультети ташкил этилиши муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат авиация институти ташкил этиш тўғрисида» 1995 йил 31 майдаги ПФ-1160-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 19 июнь,
ПФ-4006-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 20 ИЮЛДАГИ «2007 — 2010 ЙИЛЛАРДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ФАОЛ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПҚ-672-СОНЛИ ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 24-25-сон, 221-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-847-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги «2007—2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-672-сонли қарори 2-иловасидаги 133-позиция чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 9 июнь,
ПҚ-887-сон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(«Халқ сўзи», 2008 йил 9 июль, 134 (4544)-сон)

Униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқалари, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳра-

манд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ҳамда замонавий моддий-техник базасини шаклланти-

риш, уларни мусикий маданият ва санъат соҳасидаги юқори малакали педагог кадрлар ва мутахассислар билан таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг болалар мусиқа ва санъат мактабларини, шунингдек, Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

бошланғич мусикий таълимни ташкил этиш ва унинг ривожланишини таъминлаш, ушбу йўналиш бўйича мутахассислар ҳамда педагогларнинг маҳорати ва малака даражасини ошириш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларида таълим тизимини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маданий савиясини юксалтириш, улар орасида истеъодларни ҳар томонлама ривожлантириш, ёшларнинг миллий ва жаҳон санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларининг моддий-техник ҳамда умумтаълим ўқув базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш.

Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейларининг касбий йўналишига оид фаолиятини ўқув-методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси Ўзбекистон давлат консерваторияси зиммасига юкланиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 январдаги Ф-2908-сонли фармойишига биноан тузилган Республика комиссияси томонидан ишлаб чиқилган Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган, қуйидаги масалаларни ўз ичига олган Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) тасдиқлансин:

2009-2014 йилларда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини янада яхшилаш тадбирлари 1-иловага мувофиқ;

2009-2014 йилларда янгитдан қуриладиган ҳамда капитал реконструкция қилинадиган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг асосий параметрлари 2-ва 3-иловаларга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан болалар мусиқа таълими соҳасидаги мутахассис ва педагогларни жалб этган ҳолда, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 1-типи учун 200 ўқувчига ва 2-типи учун 150 ўқувчига мўлжалланган иккита намунавий лойиҳа ишлаб чиқилгани маълумот учун қабул қилинсин.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларини капитал реконструкция қилиш Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган 1-ва 2-типдаги намунавий лойиҳаларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилиши лозимлиги белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ушбу қарорга биноан тасдиқланган Давлат дастурида

назарда тутилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларда самарали ва сифатли бажарилишини таъминласин;

ҳар йили Инвестиция дастури лойиҳасини ва қурилишларнинг манзилли рўйхатларини шакллантиришида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг аниқ сони ва рўйхатини кўрсатган ҳолда, уларнинг янгиларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш, зарур асбоблар, ускуналар ва инвентарлар билан жиҳозлаш бўйича ишларни молиялаштириш ҳажмларини белгиласин;

2009-2010 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳаси ва Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Р.Глиэр номидаги ва В.Успенский номидаги академик лицейларни кенгайтириш ва реконструкция қилиш учун зарур бюджет маблағлари, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун маблағларни назарда тутсин.

4. Болалар мусиқа ва санъат мактабларини янгитдан қуриш учун майдонларни танлашда тасдиқланган норматив ва параметрларга мувофиқ уларнинг, қоида тариқасида, албатта республика туман ва шаҳарларининг тураржой массивларида жойлаштирилиши ҳисобга олинсин.

5. Қуйидагилар белгилансин:

болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш бўйича буюртмачи вазифаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва унинг жойлардаги тузилмалари зиммасига юклатилади;

маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган намунавий лойиҳалар ва лойиҳага тегишли қарорлардан ҳар қандай четга чиқишларга фақат бош лойиҳа институти билан келишилган ва Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан тасдиқланган тақдирдагина йўл қўйилади;

янгитдан қурилган ҳамда капитал реконструкция қилинган болалар мусиқа ва санъат мактаблари объектларини фойдаланишга қабул қилиш 4-иловага мувофиқ таркибдаги Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган сифат стандартлари ва намунавий лойиҳаларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади;

болалар мусиқа ва санъат мактабларининг самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг ҳар томонлама тўлиқ ишлашини таъминлаш ҳамда малакали педагог кадрлар билан тўлдириш масъулияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги зиммасига юклатилади.

6. Қуйидагилар:

молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, намунавий лойиҳаларга асосланмаган ҳамда тасдиқланган қурилиш нормалари ва стандартларига мос келмайдиган янги болалар мусиқа ва санъат мактаблари қуриш ва уларни капитал реконструкция қилиш;

янгитдан қуриладиган ва капитал реконструкция қилинадиган болалар мусиқа ва санъат мактабларида тиклаш ишларини амалга оширишда 2-ва 3-иловаларда кўрсатилган параметрларга қаттиқ риоя қилинсин ва уларни бир тоифадан бошқа тоифага ўтказиш қатъиян тақиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси "Давархитектқурилиш" қўмитаси Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан биргаликда:

болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш учун тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича ишларни батамом тугатиб топшириш шarti билан танлов пудрат тендер савдоларини ўтказиш ўз вақтида ва аниқ ташкил қилинишини таъминласин;

буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги шартнома мажбуриятлари бажарилиши устидан, жумладан, тасдиқланган намунавий лойиҳаларга, қурилиш нормалари ва қоидалар-

рига мувофиқ бажарилган лойиҳа ва қурилиш ишларининг сифатига қатъий риоя этилиши устидан қаттиқ мониторинг ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, “Давархитектқурилиш” кўмитаси раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига:

болалар мусиқа ва санъат мактаблари объектларини қуриш ҳамда капитал реконструкция қилиш манзилли дастурига киритилган объектлар бўйича танлов пудрат тендер савдолари ўз вақтида ўтказилиши;

болалар мусиқа ва санъат мактаблари объектларидаги қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда намунавий лойиҳаларга, шунингдек, тасдиқланган қурилиш норма ва қоидаларига қатъий риоя этилиши бўйича шахсий масъулият юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқланган Давлат дастурига киритилган болалар мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш ва моддий-техник базасини яхшилаш, шу жумладан, уларни жиҳозлаш учун имтиёзли шартлар асосидаги хорижий кредитлар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштирсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2015 йилнинг 1 январига қадар Давлат дастури доирасида болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш учун олиб келинадиган мусиқа асбоблари ва махсус ускуналарга божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 январдаги Ф-2908-сонли фармойиши асосида тузилган Республика комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан янгитдан

қуриладиган ҳамда капитал реконструкция қилинадиган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ҳар йили тасдиқланадиган манзилли рўйхатига тасдиқланган умумий параметрлар доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

12. Бошқарув ходимларининг чекланган сонини тегишли равишда кўпайтирган ҳолда:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппаратининг тузилмасида 7 кишидан иборат Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг тузилмаларида болалар мусиқа ва санъат мактабларини мувофиқлаштириш бўйича 2 кишидан иборат бўлинмалар ташкил қилинсин.

13. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев):

болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурининг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг олиб борсин;

ҳар йили ярим йил ва календарь йили якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида тасдиқланган Давлат дастурини амалга ошириш натижаларини муҳокама қилиб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2008 йил 8 июль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

СУД ҚОНУНЧИЛИГИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА
СУД ТИЗИМИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил
31 майда 1080-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.

(«Халқ сўзи», 2008 йил 24 июнь, 123 (4533)-сон)

Кейинги йилларда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришга, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштиришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари пухта ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мамлакат Конституциясида акс эттирилган принципларга мувофиқ жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди, натижада озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилган шахслар салмоғи 2007 йилда 2000 йилга нисбатан икки баравардан кўпроқ қисқарди.

Умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилиши одил судлов сифатини оширишга имкон берди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция (шикоят) тартиби жорий этилиши суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида қўшимча кафолат бўлди, ярашув институтининг киритилиши эса, кейинги етти йил ичида салкам етмиш минг кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилиши учун имкон берди.

Жорий йилнинг биринчи январидан эътиборан Ўзбе-

кистонда ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг самарали, замонавий демократик принципларга асосланган тизими яратилди.

Суд тизимини демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини янада самарали таъминлаш ва адвокатура ролини ошириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш имконини берди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, суднинг обрўси ва мустақиллигини ошириш, одил судловни амалга оширишда қонунийлигини таъминлаш, судлар фаолиятига аралаштиришга ҳамда гайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, Марказ:

ўз фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига ҳисобот берадиган мустақил ахборот-таҳлил ва маслаҳат муассасаси ҳисобланади;

унга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан тасдиқланган директор амалга оширади. Марказ директори моддий, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосарига тенглаштирилади;

республика бюджети ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали молиялаштирилади;

суд-ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва Адлия вазирлиги, давлат органлари ва илмий муассасалар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Марказ фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб беради, Марказнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган таҳлилий ишлар дастурлари, ташкилий-ҳуқуқий тадбирларини тасдиқлайди, уларнинг самарали ва сифатли бажарилиши устидан назоратни таъминлайди.

3. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

суд фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд тизими вазифаларини белгилаб берувчи қоидалари рўёбга чиқарилиши самарадорлиги масалалари бўйича қонунчилик базасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, шунингдек, Қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқни қўллаш, суд амалиётини ўрганиш ҳамда умумлаштириш;

жиноий, маъмурий жазолар тизимини янада либераллаштириш, суд, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал, хўжалик процессуал қонунчилигини, суд ишларини юритишни демократлаштириш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш;

одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд фаолиятига аралашиш ҳолларига барҳам бериш, ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик бўйича таклифлар тайёрлаш;

суд фаолияти соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини чуқур ўрганиш ҳамда миллий қонунчиликка татбиқ этиш, одил судловни амалга ошириш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш дастурларини шакллантириш ва рўёбга чиқариш, суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд мустақиллигини таъминлаш принципларига бағишланган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

4. Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази тўғрисидаги Низом, унинг тузилмаси, ходимларининг чекланган умумий сони 30 кишидан иборат бўлган штат жадвали, шунингдек, меҳнат ҳақи разрядлари 1 — 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига Марказнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнат ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди (Б.Мустафоев):

бир ой муддатда Марказни судларда ва ахборот-таҳлил фаолияти соҳасида иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдиришни, шунингдек, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан, илғор чет эл таҳлил марказларида тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг 2008-2009 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилишини таъминласин;

уч ой муддатда Марказнинг жойлаштирилиши ва обод-лаштирилишини, зарур компьютер ва нусха кўпайтириш техникаси, дастурий воситалар, идоровий мебель ҳамда Марказнинг самарали ишлаши учун зарур бўлган бошқа моддий-техника воситалари, услубий материаллар билан таъминласин;

икки ой муддатда Марказнинг устувор йўналишларини, 2008 йил иккинчи ярми ва 2009 йилга мўлжалланган ахборот-таҳлилий ишлари ва тадбирлари дастурини белгиласин ҳамда уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

6. Марказ ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ходимлари учун ўрнатилган тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, махсус унвонлар, мансаб даражалари татбиқ этилиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р.Азимов) 2009 йилдан бошлаб, ҳар йили Марказни жорий таъминлаш ва молиялаштиришга, шу жумладан, ахборот нашрлари ва адабиётга обуна бўлиш, халқаро конференциялар ва семинарларда иштирок этиш учун республика бюджети ҳисобидан маблағ ажратилишини назарда тутсин.

8. Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси Кузатув кенгаши 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг асослангиланган ҳисоб-китоблари бўйича Марказнинг жорий таъминоти, уни жиҳозлаш, фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, иккита хизмат енгил автомобилени харид қилиши ва таъминоти учун маблағ ажратсин.

9. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А.Арипов) бир ой муддатда белгиланган тартибда Марказни зарур, жумладан, ҳукумат алоқа турлари ва воситалари билан таъминласин, шунингдек, Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратиб берсин.

10. Марказ:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари юборилиши шарт бўлган (1 нусхада) ташкилотлар рўйхатига;

Марказ кутубхонасини шакллантириш учун босма ва китоб маҳсулотларининг (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар) назорат нусхаларини (1 нусха) бепул оладиган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий суди ва Олий хўжалик судининг статистика ахбороти юборилиши шарт бўлган реестрга киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 23 июнь,
ПҚ-896-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА (ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «БАҲОЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР
ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА КЎРСАТИЛАЁТГАН
ХИЗМАТЛАР УЧУН УЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»
2008 ЙИЛ 24 МАРТДАГИ ПҚ-843-СОН ҚАРОРИ)**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 24-25-сон, 224-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида» 2008 йил 24 мартдаги ПҚ-843-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,
2008 йил 12 июнь,
128-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 12 июндаги 128-сон қарорига
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА
КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектлари — фақат юридик шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қуйидаги мазмундаги 16-банд қўшилсин:

«16. Баҳолаш фаолияти».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида» 2003 йил 8 майдаги 210-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 36-модда):

а) 4-бандда:

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин: «Баҳоловчиларнинг малака имтиҳонлари ўтказилишини ташкил этиш»;

олтинчи хатбошидаги «ва жисмоний» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомда:

1) 4 ва 5-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Баҳолаш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

5. Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун баҳолаш фаолиятининг қуйидаги йўналишлари бўйича намунавий (оддий) лицензиялар берилди:

кўчар мулкни баҳолаш ҳуқуқи учун, қимматли қоғозлар, улушлар, интеллектуал мулк объектлари ва бошқа номоддий активлардан ташқари;

кўчмас мулкни баҳолаш ҳуқуқи учун, мулкнинг комплекс сифатидаги корхоналардан ташқари;

бизнесни баҳолаш ҳуқуқи учун (мулкнинг комплекс сифатидаги корхоналар, моддий ва номоддий активларнинг барча турлари)»;

2) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Қуйидагилар баҳолаш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

«Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандартлари талабларига, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

лицензия олишда ушбу Низомда назарда тутилган миқдорда тўлиқ шакллантирилган устав капиталининг мавжудлиги;

фуқаролик жавобгарлиги суғурта полисининг мавжудлиги;

фаолиятнинг фақат ушбу Низомда назарда тутилган турини амалга ошириш;

баҳоловчи томонидан баҳолаш фаолиятини фақат битта баҳоловчи ташкилотда амалга ошириш. Бунда баҳолаш фаолияти баҳоловчи томонидан бошқа баҳоловчи ташкилотда фақат у баҳолаш фаолиятини амалга оширган баҳоловчи ташкилот билан тузилган меҳнат шартномаси (контракти) ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тўхтатилгандан, бекор қилингандан ёки унинг муддати тугагандан кейин амалга оширилиши мумкин;

баҳоловчи ташкилот штатида ушбу Низомда назарда тутилган миқдорда баҳоловчиларнинг мавжудлиги;

баҳолашни ўтказишда олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;

баҳолашни ўтказиш бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

баҳоловчи ташкилотнинг раҳбари лавозимига фақат баҳоловчинини тайинлаш;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишда баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақилликни таъминлаш;

баҳоловчининг малака сертификатига эга бўлган шахс (шахслар) томонидан баҳолаш тўғрисида ҳаққоний ҳисобот тузиш;

баҳоловчи ташкилотда ўз баҳоловчилари ишлари сифатини назорат қилишнинг тасдиқланган ички қоидалари мавжудлиги;

лицензияловчи органни номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарганлиги тўғрисида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 10 кун муддатда хабардор қилиш;

ярим йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига белгиланган шаклда баҳолаш фаолияти тўғрисида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси талабига кўра баҳолашни ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотларни тақдим этиш.

Қуйидагилар:

кўчар мулкни (қимматли қоғозлар, улушлар, интеллектуал мулк объектлари ва бошқа номоддий активлардан ташқари) баҳоловчи ташкилотлар — энг кам

ойлик иш ҳақининг камида 1500 бараварига тенг миқдорда устав капиталига ва камида иккита баҳоловчи штатига эга бўлиши керак;

кўчмас мулкни (мулкний комплекс сифатидаги корхоналардан ташқари) баҳоловчи ташкилотлар — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2000 бараварига тенг миқдорда устав капиталига ва камида учта баҳоловчи штатига эга бўлиши керак;

бизнесни (мулкний комплекс сифатидаги корхоналар, моддий ва номоддий активларнинг барча турларини) баҳоловчи ташкилотлар — энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2500 бараварига тенг миқдорда устав капиталига ва камида тўртта баҳоловчи штатига эга бўлиши керак.

Бунда устав капиталининг камида 30 фоизи пул маблағларидан иборат бўлиши керак.

Баҳоловчи ташкилотлар кўшимча баҳолаш фаолияти профессионал хизматларининг фақат қуйидаги турларини кўрсатиши мумкин:

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш;

инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш, бизнес-режалар тузиш;

баҳолаш жараёнини автоматлаштириш ва ахборот технологияларини жорий этиш;

баҳолаш фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш ва уларнинг натижаларини тарқатиш»;

3) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Лицензия талабгори лицензия олиш учун лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги талаб қилиб олиш депозит ҳисобрақами;

фаолиятнинг лицензия талабгори амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланаётган тури;

б) юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) лицензия талабгори аризасининг лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилиши учун йиғимнинг лицензия талабгори тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) лицензия талабгори штатида турган ушбу Низомда назарда тутилган миқдордаги баҳоловчилар малака сертификатларининг тасдиқланган нусхалари;

д) таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;

е) баҳоловчиларни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқларнинг тасдиқланган нусхалари;

ж) шакллантирилган устав капитали миқдори тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган ҳужжат;

з) пул маблағларининг устав капиталига ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари (бухгалтерия ҳисоби тўғрисида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошланғич ҳисобга олиш ҳужжатлари нусхалари);

и) ўз баҳоловчилари ишлари сифатини назорат қилишнинг тасдиқланган ички қоидалари нусхалари»;

4) 17-банднинг тўртинчи хатбошидаги «фаолият тури» сўзларидан кейин «ва унинг йўналишлари» сўзлари қўшилсин;

5) 22-бандда:

«этиши учун етарли бўлган» сўзлари «этадиган» сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лицензия беришни рад этишга асос бўлган сабабларни бартараф этиш учун лицензия талабгорига кўпи билан 30 кун муддат берилади»;

6) 25-бандда:

«кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар» сўзлари «қайта расмийлаштирилдиган лицензиянинг асл нусхаси ва кўрсатилган ўзгартиришларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

7) 33-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«Қуйидагилар баҳоловчи ташкилот лицензиясининг амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиш учун асос бўладиган лицензия талаблари ва шартларини бир марта кўпол равишда бузишга қиради:

баҳолаш тўғрисида мулкдорга ва (ёки) буюртмачига моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳаққоний бўлмаган ҳисобот тузиш;

ҳаққоний бўлмаган эксперт хулосаси тузиш;

баҳолаш ишларини ўтказишда олинган махфий ахборотни мулкдор ёки баҳолаш буюртмачисининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишда баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақилликни таъминламаганлик;

лицензияловчи орган томонидан ўтказилдиган лицензия талаблари ва шартларини текширишлардан бўйин товлаш;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишда фуқаролик масъулияти суғурта полисининг мавжуд эмаслиги;

ушбу Низомда назарда тутилмаган фаолият турларини амалга ошириш;

8) 35-бандда:

учинчи ва тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан алмаштирилсин:

«юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефон рақами;

муассисларнинг устав капиталига қўшган маблағлари тўғрисидаги маълумот»;

9) Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш схемасида:

1-босқичнинг «Субъектлар» устундаги «жисмоний шахс» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-босқичнинг «Тадбирлар» устундаги 3-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма билдиришнома юборилади (топширилади)».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ: ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 10 МАЙДАН 23 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сонли буйруғи.

2008 йил 12 майда 1806-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 22 майдан қучга қиради).

2. «Банкларнинг депозит сертификатларини чиқариш, рўйхатга олиш ва муомалада бўлиш қоидаларига

қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/4-сонли қарори.

2008 йил 12 майда 522-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 22 майдан кучга киради).

3. «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 30 апрелдаги 44, 2008-23-сонли қарори.

2008 йил 16 майда 1807-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 майдан кучга киради).

4. «Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантириш ҳамда харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) тартиби бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 7 майдаги 49-сонли буйруғи.

2008 йил 16 майда 1808-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 майдан кучга киради).

5. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 16 майдаги 99-мх-сонли буйруғи.

2008 йил 16 майда 1809-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 майдан кучга киради).

6. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг айрим меъёрий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/1-сонли қарори.

2008 йил 16 майда 1810-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 майдан кучга киради).

7. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган алкоғолли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Бош директорининг 2008 йил 28 апрелдаги 156-сонли буйруғи.

2008 йил 16 майда 480-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 майдан кучга киради).

8. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/5-сонли қарори.

2008 йил 19 майда 1641-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 майдан кучга киради).

9. «Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 5 майдаги 49, 34-сонли қарори.

2008 йил 19 майда 1811-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 майдан кучга киради).

10. «Хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига келиш ва кетиш визаларини расмийлаштириш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг 2008 йил 7 майдаги 518-сонли буйруғи.

2008 йил 19 майда 349-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 майдан кучга киради).

11. «Хўжалик юритувчи субъектларда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкасини қўллаш натижасида юзага келган салбий фарқни қоплаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 30 апрелдаги 43, 51, 2008-22 -сонли қарори.

2008 йил 19 майда 1460-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 майдан кучга киради).

12. «Академик лицейлар ва касб ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2008 йил 30 апрелдаги 01-148Қ/Қ, 118, 16/ҚҚ-сонли қарори.

2008 йил 19 майда 1812-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 майдан кучга киради).

13. «Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммалардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг 2008 йил 28 апрелдаги 11-сонли буйруғи.

2008 йил 19 майда 1188-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 майдан кучга киради).

14. «Банкрот корхонани тугатишга доир иш юртишни олиб бориш тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 11 апрелдаги 4-сонли қарори.

2008 йил 20 майда 993-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 30 майдан кучга киради).

15. «Банкрот деб эълон қилинган корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида олди-сотди қилишда мулк ҳуқуқини расмийлаштириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 11 апрелдаги 5-сонли қарори.

2008 йил 20 майда 493-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 30 майдан кучга киради).

16. «Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 5 майдаги 47-сонли буйруғи.

2008 йил 22 майда 1813-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 июндан кучга киради).

17. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 22 майдаги 111-мх-сонли буйруғи.

2008 йил 22 майда 1814-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 июндан кучга киради).

18. «Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сонли қарори.

2008 йил 22 майда 1815-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 июндан кучга киради).

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Суғурталовчиларнинг алоҳида суғурта таваккалчиликлари бўйича мажбуриятлари, жами мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган энг кўп ҳажми ва тўлов қобилияти меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида низом. **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1565, 2006 йил 22 апрель).**

Адлия вазирининг 2008 йил 12 майдаги 95-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Тузларнинг қўллардаги конлари захираларига таснифлашни қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. **Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг раиси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 494, 1998 йил 8 октябрь).**

Адлия вазирининг 2008 йил 16 майдаги 99-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Ўзсавдогарбанкнинг ҳисоб-китоб чекларини аҳоли томонидан товарлар учун ҳисоб-китобларда қўлланиши тўғрисида йўриқнома. **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 217, 1996 йил 17 январь).**

Адлия вазирининг 2008 йил 16 майдаги 100-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. Турғун шохобчалар орқали савдо фаолиятини амалга ошираётган яқка тартибдаги ишбилармонларнинг нақд пул маблағларини топшириш ва олиш тартиби. **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 752, 1999 йил 18 июнь).**

Адлия вазирининг 2008 йил 16 майдаги 100-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

5. Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом. **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Шакар инвестмент» қўшма корхонаси, Товар хомашё биржаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1378, 2004 йил 28 июнь).**

Адлия вазирининг 2008 йил 19 майдаги 103-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

6. Хўжалик юритувчи субъектларда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкасини қўллаш натижасида юзага келган салбий фарқни қоплаш тўғрисида низом. **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1460, 2005 йил 22 март).**

Адлия вазирининг 2008 йил 19 майдаги 105-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

7. Банкрот корхонани тугатишга доир иш юритишни олиб бориш тўғрисида низом. **Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 993, 2000 йил 22 декабрь).**

Адлия вазирининг 2008 йил 20 майдаги 108-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

8. Банкрот деб эълон қилинган корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида олди-сотди қилишда мулк ҳуқуқини расмийлаштириш тартиби. **Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 493, 1998 йил 29 сентябрь).**

Адлия вазирининг 2008 йил 20 майдаги 109-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

9. Фьючерс битимларини тузиш тартиби тўғрисида низом. «Ўзулгуржисавдо» ассоциацияси Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 282, 1996 йил 11 октябрь).

Адлия вазирининг 2008 йил 22 майдаги 111-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.

Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.



НАШРИЁТИДА СОТУВДА МАВЖУД:



«КОММЕНТАРИЙ К ПОЛОЖЕНИЮ О ПОРЯДКЕ ИСЧИСЛЕНИЯ И УПЛАТЫ ЕДИНОГО НАЛОГОВОГО ПЛАТЕЖА»
Муаллифлар: И. Голишева, М. Кодиров, Д. Султонов, И. Подольская, Л. Югай
5 000 сўм.

АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ
Муаллифлар: Э. Гадов, Ш. Хайдаров, Л. Югай ва б.
Янгиланувчи қўлланма.

ПРАКТИЧЕСКАЯ БУХГАЛТЕРИЯ
Муаллифлар: Э. Гадов, Ш. Хайдаров, Л. Югай ва б.
Янгиланувчи қўлланма.

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИГА ДОИР НИЗОМЛАР»
Тўпламга Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи асосий низомлар киритилган (ўзбек тилида).
5 000 сўм.

«СПРАВОЧНИК ПО ВНЕШНЕМУ И ВНУТРЕННЕМУ АУДИТУ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН»
Муаллифлар: Д. Шаулов, У. Кан
Китобда замонавий аудит ва бухгалтерия оид ҳужжатларнинг назария ва амалиётда қўл қилинган асосий қондалари кўриб чиқилди.
10 000 сўм.

ПРАКТИЧЕСКОЕ НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ
2 жилд.
Муаллифлар: Э. Гадов, Ш. Хайдаров, Л. Югай ва б.
Янгиланувчи қўлланма.

«ЯНГИ ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИ БЎЙИЧА 3000 та БУХГАЛТЕРИЯ ЎТКАЗМАЛАРИ»
(2 жилдда)
Муаллифлар: Ф. Фуломова, У. Файзиева
1 жилди 5 000 сўм.

«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЯ СТАНДАРТИ»
(21-БХМС)
4 000 сўм.

НОВОЕ В НАЛОГОВОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ
6 900 сўм.

«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАР БЎЙИЧА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ» (2 жилдда)
1 жилди 5 000 сўм.

«УЧЕТНАЯ ПОЛИТИКА ПРЕДПРИЯТИЯ»
Муаллиф – Ф. Фуломова
Китобда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сифатини шакллантиришга доир батафсил тавсиялар берилган.
3 200 сўм.

СОЛИҚКА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
6 950 сўм.

«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МЕҲНАТ КОДЕКСИ»
(рус ва ўзбек тилларида)
7 000 сўм.

«ГОДОВОЙ ОТЧЕТ-2007»
ПРАКТИЧЕСКОЕ ПОСОБИЕ
Авторы: Э. Гадов, Ш. Хайдаров и другие
10 000 сўм

«СБОРНИК НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ ПО БУХГАЛТЕРСКОМУ УЧЕТУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН» (НСБУ)
(II-III жилдлар)
Муаллифлар – Х. Ортиков
Тўпламнинг I ва II жилдлари ўзининг берчи савол сўраш БИМСида юрди.
1 жилди умуман 4 000 сўм.

«ИЛЛИК ҲИСОБОТ-2007»
АМАЛИЙ ҚўЛЛАНМА
Муаллифлар: Э. Гадов, Ш. Хайдаров ва бошқалар
10 000 сўм

Буюртманомаларни Тошкент ш., Навоий кўч., 22-уйда расмийлаштириш мумкин.
Сотиб олиш масалалари бўйича 244-44-29, 232-18-80, 244-89-17 тел./факси орқали мурожаат қилинг.

«YURIDIK ADABIYOTLAR»
манзиллар: Тошкент ш., Сайилгоҳ кўч., 35 (мўлжал – Тошкент давлат юридик институти), тел. 236-73-98;
Тошкент ш., Бобур кўч., 40в,
тел. 383-55-47

«SHARQ ZIYOKORI»
манзил: Тошкент ш., Бухоро кўч., 26
(мўлжал – Навоий номдаги ДАКТ),
тел. 233-58-72

Шу тўпламнинг қўйидаги манзиллардаги нашриётчи фирмаларда:
 Андижон ш., Алишер Навоий шохушаси, 71, тел. (374-2) 50-05-02 ☎ Бухоро ш., Ибод кўч., 11, тел. (365-2) 23-75-96 ☎ Самарқанд ш., Университет бульвари, 12, тел. (366-2) 32-23-68
 Жиззах ш., Ш. Рашидов кўч. (мўлжал – Обзор Беноси), тел. (372-2) 26-42-93 ☎ Навоий ш., Ўзбекистон кўч., 11, тел. (436-2) 23-01-30 ☎ Қарши ш., 7-маъза, 9, тел. (375-2) 27-77-00.
 ПАММнинг Навоий бўлими: Навоий ш., Палло кўч., 6, тел. (436-2) 23-25-33. Сўтувчилар ва китоб дўконидаги ағдарларнинг ҳаммасини қўшниқга таклиф эталик.

Панорама

«Норма маслаҳатчи» 27 (156)-сон

2008 йил 11 июль



«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ

